

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕЗОНЛАРИ

*Махкамжон Музаффаров, Зилола Набиева, Сайёра Пардаева*  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ-85 гуруҳ талабалари*

**Аннотация:** ушбу мақолада тижорат банклари давлат харидлари тизимида энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат харидларини амалга ошириш механизми ёритилган.

**Калит сўзлар:** энг яхши таклифларни танлаш, харид қилиш ҳужжатлари, техник топшириқ, шартнома лойиҳаси, шартнома шартлари.

Тижорат банкларида давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш (илгариги танлов савдалари) орқали амалга ошириш қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

- **ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;**
- **товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 000 бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.**

Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот тижорат банклари томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек тижорат банкларининг хоҳишига кўра уларнинг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи бериладиган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон фақат давлат харидига доир техник топшириқ бўйича Комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий хулосаси олинганидан кейин жойлаштирилади.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари тижорат банклари томонидан таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида беш иш куни олдин махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида, шунингдек тижорат банкларининг хоҳишига кўра ўзининг расмий веб-сайтига ёки, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш билан бир вақтда тижорат банклари томонидан жойлаштирилади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;
- ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта, тўлов тартиби ва етказиб бериш шартлари ҳақидаги ахборот;
- танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;
- иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;
- техник топшириқ;
- таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида тижорат банклари ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда тижорат банклари турли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танлашнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир товар (иш, хизмат) учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун ғолиб харид қилиш тартиб-таомилининг шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади. Тижорат банклари харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Тижорат банклари харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бунда тижорат банклари Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома тижорат банклари томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимиغا муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, банк ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Банк томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимиغا жойлаштирилади. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Тижорат банклари томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб

аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, тижорат банклари давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budjet daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan." . International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Ўроков, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
10. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE. JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
11. N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
12. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023

13. Уроков УЮ, Чинкулов Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
14. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
15. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
16. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
17. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today. "Market, money and credit" magazine. 2018(8).
18. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
19. О'роқов УҮ. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.: «Nihol print» ОК. 2022.
20. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари. “InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
23. Хайдаров Н. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
24. Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.: “ИQTISOD-MOLIYA, 2007
25. N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021